

## ЃЎЗАНИНГ F<sub>5</sub> ДУРАГАЙ ОИЛАЛАРИДА ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ ИРСИЙЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ

*Одашев Муҳаммадусмон Улуғбек ўғли*

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти талабаси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада ғўза ўсимлиги дуругайларида тола махсулдорлиги, чигит ҳажми, чигит вазни ва касалликларга бардошли қимматли хўжалик белгиларини ўзгариши бўйича тадқиқот маълумотлари баён этилган.

**Калит сўзи:** Т-16, Т-19 тизмалар ва УзПИТИ-201, УзПИТИ-202, УзПИТИ-203, Султон, С-2609, Андижон-36 навлари дуругайлар.

Бугунги кунда яратилаётган янги бошланғич ашёлар ва навларда ғўзанинг асосий белгиларнинг кўрсаткичлари паст бўлмаган, яъни турли биотик ва абиотик омилларга бардошли, тола чиқими 40 % дан юқори, тола сифати жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган ва тола ҳосилдорлиги юқори бўлиши муҳимдир. Тола ҳосилдорлиги бўйича юқори кўрсаткисларга эга бўлмаса ҳам Ўзбекистон жаҳонда тола етиштириш ва экспорт қилиш бўйича етакчи ўринларни эгаллайди. Тола ҳосилдорлиги бўйича 14-15 ўринни эгаллаб келмоқда. Тола ҳосилдорлиги пастлиги туфайли кўп майдонлардан самарасиз фойдаланилмоқда. Ушбу муаммони ечиш учун Республикамиздаги яратилган нав ва тизмалардан самарали фойдаланиб, уларни частиштириш натижасида олигна дуругай комбинацияларни ўрганиш асосида янги аксарият хўжаликка қимматли белгилар ва тола ҳосилдорлиги юқори бўлган бошланғич шакллар яратиш зарур.

Олимлар *Gossypium* туркумидан 28 та турни иссиқхонада экиб 16 тасини ўрта толали навлар билан частиштирилди. *G.hirsutum* навларнинг тола сифатини ошириш мақсадида Сиайленд ва Миср навлари жалб этилди [1, 2]. Бу иккита тур кўп юз йилаб Америка қитъасида ўсиб келган эди. Улар тетраплоид турлар бўлиб диплоид турлари *G.herbaseum* ва *G.arboreum* турлари билан частиштирилиб 39 хромосомалик триплоид ўсимликлар олишган [3]. Ушбу ўсимликларнинг колхицин модаси билан ишлов бериб 78 та хромосомали гексаплоид намуналар яратишган. [4] *G.barbadense* навлари ўргимчак кана ҳашоратига (*Tetranychus urticae* Koch) ўта бардошли бўлган эди [5].

Тадқиқотнинг мақсади: Республикамизда яратилган нав ва тизмаларни частиштириш натижасида олинган дуругай авлодларини ҳар хил шароитда ўрганиш асосида ўрта толали ғўзанинг тола ҳосилдорлиги оширувчи омиллар, яъни тола индекси, 100 дона чигит ҳажми, 1000 дона чигит вазни белгилари юқори бўлган ҳамда вилт касаллигига бардошли бошланғич ашёлар яратиш.

Тажрибаларда ўрта толали ғўзанинг маҳаллий навлар ва тизмалар иштирокида олинган F<sub>5</sub> оддий дурагай оилалари андоза Андижон-35 нави билан таққослаб вегетация даври белгисининг ўзгарувчанлик даражаси ўрганилди (1-жадвал).

Тадқиқотларда F<sub>5</sub> дурагай комбинациялардан аксарият белгилари бўйича ота-она шакллари ва андоза навдан устунликка эришган 4 та дурагайлар ажратиб олинди ва тажрибалар давом эттирилди. Вегетация даври белгиси бўйича кўрсаткичлар 5 кун оралиғида 6 та синфга (105-130) тақсимланди. Ғўзанинг F<sub>5</sub> оддий дурагай оилаларида вегетация даври 114 кундан F<sub>5</sub> (СултонхУзПИТИ-201), 119 кунгача F<sub>5</sub> (Андижон-36хС-2609) бўлганлиги аниқланди. Андоза сифатида олинган Андижон-35 навида вегетация даври 124 кунга тенг бўлди.

F<sub>5</sub> дурагай оилаларидан вегетация даври бўйича F<sub>5</sub> (УзПИТИ-203хС-2609) ва F<sub>5</sub> (СултонхУзПИТИ-201) комбинацияларида бошқа дурагай комбинациялари оилари ва андоза навига нисбатан тезпишар ўсимликлар кўплаб учради. Ушбу дурагай комбинациялар оилаларида вегетация даври 110 кунгача бўлган ўсимликлар 36.8-44.4 фоизни ташкил қилди. F<sub>5</sub> оддий дурагай оилаларда аксарият ўсимликларда вегетация даври 110-120 кунни ташкил этиб, вариацион қаторнинг 2-4 синфларда жойлашганлиги, ўзгарувчанлик коэффициенти 6.0-7.7 % оралиғида бўлди.

Тадқиқотлар натижалари асосида F<sub>5</sub> дурагай оилаларининг айрим қимматли хўжалик белгилари юқори бўлган вариацион қаторнинг чап томонида жойлашган ўсимликлар танлаб олинди ва ўнг томонидаги ўсимликлар чиқитга чиқарилди.

Ғўза ўсимлигида бир туп ўсимликдаги маҳсулдорлик, айниқса ундан олинган тола маҳсулдорлиги муҳим белгилардан биридир. Тола маҳсулдорлиги бўйича хорижий ва маҳаллий ғўза селекционер олимлари томонидан тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу белги бўйича Австралия етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Тадқиқотларда F<sub>5</sub> дурагай оилаларини бир туп ўсимликдаги тола маҳсулдорлиги белгиси андоза Андижон-35 нави билан таққосларган ҳолда вариацион таҳлил ўтказилди (2.-жадвал).

Тажрибаларда олинган маълумотлар бўйича кўрсаткичлар 2 граммдан 7 та синфга (26-38) тақсимланди. Тола маҳсулдорлиги белгиси бўйича F<sub>5</sub> дурагай комбинацияларни оилалари ўрганилганганда ушбу белги юқори бўлган ўсимликлар F<sub>3</sub> (УзПИТИ-203хТ-19), F<sub>3</sub> (СултонхУзПИТИ-201) ва F<sub>5</sub> (Андижон-36хС-2609) оддий дурагайларда бошқа дурагай комбинациялари ва андоза навидан кўп бўлганлиги аниқланди.

**F<sub>5</sub> дурагай оилаларини вегетация даври белгисининг ўзагарувчанлиги.**

**1-жадвал**

№	Ота-она шакллари ва F <sub>3</sub> дурагайлар	K=5 (кун)						N	M±m	δ	V%
		105	110	115	120	125	130				
1	F <sub>5</sub> (УзПИТИ-203хТ-19)	1	2	5	6	3		17	118±2.3	8.0	6.8
2	F <sub>5</sub> (УзПИТИ-203хС-2609)	2	5	7	4	1		19	115±2.3	8.8	7.7
3	F <sub>5</sub> (СултонхУзПИТИ-201)	1	8	6	1			16	114±2.2	8.2	7.2
4	F <sub>5</sub> (Андижон-36хС-2609)	3	5	7	3			18	119±2.3	7.1	6.0
	St. Андижон-35		1	3	4	6	3	17	124±2.4	6.9	5.6

**F<sub>5</sub> дурагай оилаларини ўсимлик тола маҳсулдорлиги белгисининг ўзагарувчанлиги.**

**2-жадвал**

№	Ота-она шакллари ва F <sub>3</sub> дурагайлар	K=2 (гр)							N	M±m	δ	V%
		26	28	30	32	34	36	38				
1	F <sub>5</sub> (УзПИТИ-203хТ-19)		4	8	3	1	1		17	30±0.6	1.26	4.2
2	F <sub>5</sub> (УзПИТИ-203хС-2609)			6	9	4			19	32±0.6	0.96	3.0
3	F <sub>5</sub> (СултонхУзПИТИ-201)	1	10	2	1	1	1		16	29±0.5	1.47	5.1
4	F <sub>5</sub> (Андижон-36хС-2609)	1	1	9	3	2	1	1	18	31±0.6	1.92	6.2
	St. Андижон-35	11	5			1			17	26±0.5	1.0	4.1

Бу дурагайда тола маҳсулдорлиги 32 граммдан юқори бўлган ўсимликлар 38.8 фоиздан, 68.4 фоизгача бўлганлиги аниқланди F<sub>3</sub> оддий дурагай комбинациялар оилаларида ўзгарувчанлик коэффициенти 5.0-8.2 % оралиғида бўлди.

Тажрибалар натижаларига асосан тола маҳсулдорлик бўйича вариацион қаторнинг ўнг томонида жойлашган, яъни тола маҳсулдорлиги 34 граммдан юқори бўлган, вегетация даври қисқа, бир дона кўсак вазни юқори бўлган дурагай комбинациялардаги оилаларни ўсимликлари ҳамда кейинги йилги тадқиқотларни давом эттириш ҳамда айрим қимматли хўжалик белгилари юқори

бўлган янги бошланғич ашёларни яратиш мақсадида танлаб олинди.

**Адабиётлар**

1 Болтабоев Х., Каримов Т., Шамсиддинов Ф. «Истиқболли тизимларнинг хўжалик ва технологик сифат кўрсаткичлари» Тошкент, 2004 й. 270-271-бетлар.

2. Ғаниев В., Исаев Б., Гольдберг Г. – Пахта сифатини яхшилаш омиллари. Ўзбекистон нашриёти, Тошкент. 1977, 92 бет.

3. Ғуломов К.К. Характер исследования хозяйственных качеств хлопчатника и роль испытания при межсортовых скрещиваниях растений с участием пыльцы материнского сорта. Автореф. Канд. дисс. Ташкент, 1960 г., 22 стр.